



ОЛИЙ МАРТАБАЛИ МЕҲМОНЛАР ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ ҚАДИМ ХИВАДА МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР БИЛАН ТАНИШДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров 18-19 июль кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Тошкентда ўтган олий даражадаги музокараларда икки дўст мамлакат халқлари манфаатига хизмат қиладиган кўплаб келишувларга эришилди. Давлат раҳбарлари кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар. Умуман, ташриф давомида 16 та ҳужжат имзоланди. Энергетика, автомобилсозлик ва тўқимачилик саноатида йирик қўшма лойиҳаларга старт берилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчиларининг самимий мулоқоти 19 июль кунги Хоразмда давом этди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров икки мамлакат биринчи хонимлари билан биргаликда дастлаб Хива шаҳридаги Ичан қалъа мажмуаси ва Нуриллабой сарой мажмуасига ташриф буюрди.

Хива шаҳри 1990 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган, 1997 йилда унинг 2500 йиллиги нишонланган. Шаҳар 2020 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти, 2024 йилда эса Ислам дунёсининг туризм пойтахти бўлди.

“Очик осмон остидаги музей” сифатида танилган Хива яхлит ёдгорлик сифатида Марказий Осиёда сақланиб қолган ягона шаҳар ҳисобланади. Бу ерда 120 дан ортиқ меъморий обидалар жойлашган.

Олий мартабали меҳмонлар танишувни “Ота дарвоза” дан бошлаб, ноёб “Кўҳна арк” мажмуаси, Шерғоziхон мадрасаси, Жума масжиди, “Тошқовли” мажмуаси ва бошқа обидалар билан танишди.

Меҳмонлар шарафига ўзбек халқ кўшиқлари янграб, театрлаштирилган томоша намойиш этилди.

Шундан сўнг Нуриллабой саройига ташриф буюрилди.

Сарой-боғ мажмуаси XX аср бошларида бунёд этилган. Мажмуа мадраса, 100 дан ортиқ хоналар, галерейлардан иборат. Сарой хоналарини безашда хивалик моҳир усталар билан бирга чет эллик рассом-декораторлар ҳам иштирок этганлар, улар саройнинг шарқона қиёфасига Европанинг модерн услубини сингдирганлар.

Хива тарихи ва унинг фан ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, худуднинг бой маданияти ва санъати ҳақидаги ҳикоялар қирғизистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Садир Жапаров “Хива гиламлари” комбинатида бўлди.

2020 йилда ташкил этилган маъруз корхонада йилга 4,2 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, Хитой, Россия, АҚШ, Қозғистон ва МДХнинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Европанинг етакчи давлатлари технологияси билан жиҳозланган замонавий комбинатда бугунги кунда 750 киши меҳнат қилмоқда.

Президентлар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни ва шоурмини, шунингдек, комбинат худудида ташкил этилган “Made in Uzbekistan” бренди остидаги саноат маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар.

Тегишли вазирлик ва идораларга ўзаро тажриба алмашиш, кооперация ва савдони ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ташриф тadbирлари яқунлангач, Президент Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Урганч халқаро аэропортида Президент Садир Жапаров ва рафиқасини кузатиб қўйди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Халқаро эътироф

Салим бин Муҳаммад ал-Малик: “ЎЗБЕКИСТОН — БАРАКАЛИ ЗАМИН, МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ, ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ БУЮК МЕРОСИ СОҲИБИДИР”

Ислам дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоту (ICESCO) Бош директори Салим бин Муҳаммад ал-Малик “Дунё” ахборот агентлигига интервью берди



ایسیسکو
ICESCO

— Бош директор жаноблари, биланмики, Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюргансиз. Бугунги суҳбатимизнинг мамлакатимиз ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак. Ўзбекистонни қандай тасаввур қиласиз, унинг тарихи, маданияти, замонавий тараққиёти ва халқаро майдондаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Мен Ўзбекистонга келганимда ҳар сафар ўзим учун янги қирраларни кашф этман. Бой тарих ва бетакор маданий меросга эга ушбу ўлкадан завқ оламан. Бинобарин, ушбу жиҳатлар мамлакатнинг асосий рамзларидан бири — давлат байроғидаги ёрқин рангларда ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон байроғининг илҳом бахш этувчи ранглари кўздан кечириётганимда, бу байроқ оддий туғ эмаслигига, у ўзида чуқур маъноларни

ифодаловчи муқаддас рамзликка амин бўлдим. Байроқ фахри воқеаларга бой давлат тарихига таянадиган рамзий ранглари ифодаловчи рисоладир. Бу заминнинг ерлари унумдор ва барокатлидир. Халқи эса тинчлик ва оқилоллик неъматини юксак қадрлайди.

Ўзбекистон байроғидаги мовий ранг мангу осмон ва обиҳаёт тимсолини акс эттиради. Бу ранг, шунингдек, ҳаётнинг давомийлиги, халқнинг умид ва интилишларини ўзида ифодалаган.

Оқ ранг эса ўзбек халқининг тинчлик, адолат ва тараққиётга интилишини тасдиқлайди. Байроқдаги яшил ранг Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақидаги саҳиҳ ҳадисларда ривоят қилинган самовий — Сирдарё ва Амударёнинг унумдорлигидан далolatдир.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

СИЁСИЙ ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ БЎЛГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ, ТАРҒИБ ЭТИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Маълумки, 1937-1953 йилларда мустабид тузум томонидан 100 мингдан зиёд халқимиз вакиллари қатагон сиёсатининг қурбони бўлган. Бу юртдошларимизнинг 13 минг нафари отиб ташланган, минглаб кишилар ноҳақ қулқ қилинган, сургуналарга жўнатилган. Улар орасида атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндalari, ижодкор зиёлилар, диний уламолар, ҳарбий соҳа ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари, ишчи-деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари бўлган.

Ватанимизнинг миллий истиклоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жонини фидо этган, сиёсий қатагон қурбонлари бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, уларнинг номлари ва хотирасини абадийлаштириш бўйича кейинги йилларда юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2021-2024 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 1 минг 200 дан зиёд сиёсий қата-

гон қурбонларининг номлари оқланганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тарихимизнинг номаълум саҳифаларини тиклаш ва илмий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида эътироф этиш, шу асосда юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини, фуқаролик позициясини кучайтириш, уларни

бугунги тинч, эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилин.

▶ Давоми 2-бетда

Инсон қадри учун

АДОЛАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Одамзод ҳамиша адолатга интилиб яшайди. Адолат тантанасида мўъжиза қудратини кўргандек бўлади. Мўъжиза эса ўз-ўзича содир бўлмайди. Унинг замирида ҳамиша халқ дарду ташвишларини енгиллатишга бел боғлаган инсонларни бирлаштирган яхлит тизим, кучли, аниқ ва қатъий механизм ишлаб турган бўлади.



Шу маънода, давлатимиз раҳбари асос солган Халқ қабулхоналари институти “Давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” гоясининг самарали ҳаётий механизми, ижтимоий адолатни таъминлаш борасидаги ўзбек давлатчилик мактабининг янги тараққиёт босқичи бўлмоқда дейиш мумкин.

Президентимизнинг сиёсий иродаси билан барча тизим фаолияти халқимизни ҳаётдан рози қилишдек эзгу мақсадга йўналтирилгани туфайли кейинги етти йилда қариб 10 миллионга яқин музрожатнинг 70 фоизи қаноатлантирилди. Йиллар динамикасида музрожатлар ҳал қилиниши 11,5 фоиздан 85,7 фоизгача етказилди.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СИЁСИЙ ҚАТАҒОН ҚУРБONI БЎЛГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ, ТАРҒИБ ЭТИШ ҲАМДА УЛАРНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Куйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белги-лансин:

қатагон қурбони бўлган шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларни нома-ном аниқлаш, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейлар, кутубхоналар ва турли фондларда сақла-наётган ҳужжатларни тўплаш ва тадқиқ этиш, оммалаштириш учун ишчи гуруҳ-лар фаолиятини ташкил этиш;

қатагон қурбонларининг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларига гувоҳ бўлган инсонларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий манбаларни, ноёб суратларни тўплаш бўйича ишларни му-вофиқлаштириш;

қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, унинг ҳудудлардаги бўлимлари ҳамда Жадидлар мероси давлат музейи-нинг мавзуга доир маълумотлар, ашёвий далил ва ҳужжатлар, бошқа тегишли экспо-натлар билан мунтазам равишда бойитиб борилишини таъминлаш;

қатагон қилинган юртдошларимиз ҳақи-даги тарихий ҳақиқатни тиклаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилд-лик “Қатагон қурбонлари” китобини чоп этиш ҳамда уларнинг номларини Тошкент шаҳридаги “Шахидлар хотираси” ёдгор-лик мажмуасида барпо этиладиган рамзий китоб саҳифаларига киритиш ишларини давом эттириш;

чет элдаги турли фондлар, архив, му-зей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, мавзуга оид илмий экспедициялар ташкил этиш; ёш авлодни Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо қилган буюк аجدдоларимиз хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг жасорати ва ибратли фаолиятини тарғиб этишга қаратилган маънавий-ма-рифий ишларни йўлга қўйиш.

Республика комиссиясининг ишчи ор-гани этиб Мудофаа вазирлигининг уму-ий раҳбарлигида Қатагон қурбонлари

хотираси давлат музейи, Фанлар академия-си Тарих институти, Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши, Курол-ли Кучлар академияси, Мудофаа ва ҳарбий хавфсизлик муаммоларини ўрганиш ин-ститути, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуа-си, “Шон-шараф” давлат музейи масъул ходимлари ва етакчи мутахассисларидан иборат гуруҳ белгилансин.

3. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Қатагон қурбонлари хотира-си давлат музейининг ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтасини мамлака-тимизда Сиёсий қатагон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Республика комиссияси Қатагон қур-бонларини ёд этиш ҳафталигини муносиб даражада ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

4. Қатагон қурбонлари, жумладан, жа-дидлик ҳаракати намояндаларининг ибрат-ли ҳаёти ва фаолиятини халқимиз, айниқса, ёшлар орасида янада кенг тарғиб этиш мақсадида:

“Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси “Шахидлар хоти-раси” жамоат фонди, Республика Маъна-вият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги халқимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги кўп асрлик мардо-на кураши, бу йўлда сиёсий қатагонга учраган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тарғи-бот тадбирлари, давра суҳбатлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда уч авлод уч-рашувларини ташкил этиб борсин;

Маданият вазирлиги давлат бюртмаси асосида спектакллар, бадий ва ҳужжат-ли фильмлар яратсин;

Ёшлар ишлари агентлиги аудиовизуал махсулотлар тайёрлаб, уларни интернет тармоғида оммалаштирсин, шунингдек, фойдаланувчилар ўртасида турли танлов, мусобақа ва акциялар ўтказсин;

Фанлар академияси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда Фанлар академияси Тарих институтининг “Jadidlar.uz” электрон платформасини си-фат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва платформани янги электрон адабиётлар, тарихий манбалар, жадид матбуоти наму-налари ва аудиовизуал махсулотлар билан бойитиш чораларини кўрсин;

Мақтабгача ва мактаб таълими вази-рлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги таълим ташкилотларида ўткази-ладиган “Мустақиллик дарслари” дои-расида қатагон қурбонлари, жумладан, жадидлик ҳаракати намояндаларига ба-ғишланган ўқув машғулотларини таш-кил этсин;

Туризм қўмитаси қатагон қурбонларининг номлари билан боғлиқ музей ва объ-ектларни сайёҳлик йўналишларига кири-тиш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Камбағалликни қис-қартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳалла-лари уюшмаси, “Нуроний” жамғармаси, “Шахидлар хотираси” жамоат фонди билан биргаликда Республика комиссиясининг қарори асосида:

қатагон қурбонлари ва жадидлик ҳа-ракати вакиллари бўлган шахслар туғилиб ўсган, яшаган хонадонларни аниқласин ва уларда эсдалик лавҳаларини ўрнатсин; маҳаллаларда ва умумтаълим мактаб-ларида тегишли тарзда “Қатагон қурбон-лари хотираси бурчаклари”ни, стендлар ва бошқа кўргазмаларни воситалари ташкил этсин.

Мазкур бандда белгиланган вазифалар маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисоби-дан амалга оширилади.

6. Қатагон қурбонлари, жумладан, жа-дидлик ҳаракати намояндаларининг ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий мероси, шу-нингдек, ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий жараёнлар бўйича тадқиқотлар олиб бо-риш мақсадида:

Олий таълим, фан ва инновациялар ва-зирлиги мавзуга оид илмий тадқиқот иш-ларига давлат бюртмасининг танловлар асосида шакллантирилиши ҳамда илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминласин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, “Узархив” агентлиги, Олий таъ-лим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ма-даний мерос агентлиги, Фанлар академияси қатагон қурбонлари ва жадидлик ҳаракати намояндаларининг илмий-ижодий фаоли-ятегишли ноҳир китоблар, қўлёзма асар-лар, тарихий ҳужжатлар ва бошқа материал-ларни таъмирласин ҳамда рақамлаштирсин; “Узархив” агентлиги Давлат хавфсизлик хизматини билан биргаликда давлат архивла-рида сақланаётган қатагон қурбонлари ва жадидлик ҳаракати намояндаларига оид муайян архив ҳужжатларини белгилан-ган тартибда махфийликдан чиқариш чораларини кўрсин;

вазирлик ва идоралар қатагон қурбон-лари билан биргаликда қатагон қурбонла-рининг номларини аниқлаш борасида из-ланишлар олиб бориш учун Республика комиссияси тавсиясига асосан, тегишли идоравий архивлардан фойдаланиш им-кониятини яратсин;

Ташқи ишлар вазирлиги қатагон қур-бонларининг ҳаёти ва фаолиятига доир чет эллардаги мавжуд манбаларни излаб то-пиш ва ўрганишда хориждаги илмий-тад-қиқот марказлари, нуфузли университет ва фондлар ҳамда соҳа мутахассислари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйишда ама-лий ёрдам кўрсатсин.

7. Маданий мерос агентлиги Қорақал-поғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимли-клари билан биргаликда шахсий ва оилавий архивларда сақлаб келинаётган қатагон қурбонлари фаолиятига бевосита дахлдор бўлган қўлёзма, китоб, сурат ва буюм шаклидаги тарихий-маданий ашёлар-нинг давлат музейлари фондларига қабул қилиб олинишини ташкил этсин.

8. Қатагон қурбонлари хотираси давлат

музейи Рақамли технологиялар вази-рлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Қа-тагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг ҳудудлардаги бўлимлари фонди-ларини мунтазам бойитиб бориш, уларда янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш ҳамда бу борада замонавий рақамли техно-логиялар ва мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйсин.

9. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар ва-зирлиги, Фавқулодда вазиятлар вази-рлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хиз-мати, Бош прокуратура, Божхона қўмитаси ушбу қарор билан белгиланган вазифалар-ни бажаришда дахлдор вазирлик, идора ва ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам кўр-сатилишини таъминласин.

10. Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Қатагон қурбонлари хо-тираси давлат музейи, Фанлар академияси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда икки ой муддат-да мустабид тузум даврида сиёсий қата-гонга учраган шахсларни реабилитация қилиш тартибини назарда тутиадиган нор-матив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

2025 йилдан бошлаб қатагон қурбонла-ри ва жадидлик ҳаракати намояндаларига бағишланган тадбирларни ўтказиш, “Қа-тагон қурбонлари” хотира китобларини, китоб ва альбомлар, йўл кўрсаткичларини тайёрлаш, шунингдек, кўргазмалар ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатларни Давлат бюджет параметрларини шакллантириш-да инобатга олсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентини

Тошкент шаҳри, 2024 йил 19 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Салим бин Муҳаммад ал-Малик:

“ЎЗБЕКИСТОН — БАРАКАЛИ ЗАМИН, МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ, ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ БУЮК МЕРОСИ СОҲИБИДИР”



Ўзбекистоннинг маънавий қадриятларни тиклаш бўйича танлаган йўли маданият соҳасида ҳам ўзининг нақадар тўғрилигини тасдиқлади, бунда давлат нафақат бош ислохотчи, балки хайрихоҳга айланди. Бугун биз бу кўмак нақадар конструктив бўлганини, санъат ривожига қандай улкан туртки берганини кўриб турибмиз.



саъй-ҳаракатларини қандай баҳолайди ва бу жараёнда ташкилот қандай ёрдам кўрсатмоқда?

— Ўзбекистонда ислом динининг ин-сонпарварлик тамойилларини тарғиб қилиш, улуг муҳаддислар маънавий ме-росини ўрганиш, улар хотирасини абадий-лаштириш, ёш авлодни буюк аждодлар ме-росига муносиб ҳолда тарбиялаш, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш истагида бўл-ган мусулмонлар учун кенг имкониятлар яратиш борасида улкан саъй-ҳаракатлар амалга ошириляётганини кўриб турибмиз. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мо-туридий, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуг аждодларининг номлари Ўзбекистон ва унинг ислом оламидаги идрок билан уз-вий боғлиқ. Бу илоҳий олимларини етиш-тирган муборак замин билан ҳамкорликни ривожлантириш биз учун катта шарафдир.

Ўзбекистон ва ICESCO ўртасидаги яқин ҳамкорлик ташкилот томонидан 2007 йилда Тошкентни Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилинганидан бош-ланди. Ўша кўтлуг санадан буён ўзаро

манфаатлар, ҳурмат-эҳтиром асосида му-қаддас динимиз — дунёвий ва маърифий исломни мустаҳкамлаш йўлида самарали ҳамкорлик қилиб келяпмиз.

Ташкилотнинг барча аъзолари Самар-қанд шаҳрининг 2025 йилда Ислам дунёси пойтахти деб эълон қилинишини қўллаб-қувватлаганидан мамнунмиз. Биз бу борада Ўзбекистоннинг турли тадбир ва анжуман-лар ўтказиш бўйича барча ташаббусларини қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

— Янги Ўзбекистонда илм-фан ва таълим ривожига, жумладан, ўзбек халқининг маънавий меросини ўрганишга қаратилган эътибор ҳақида фикри-нгиз ҳам биз учун муҳим.

— Ўзбекистон раҳбари, муҳтарам Пре-зидент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийла-рининг жамиятда таълим ва илм-фаннинг ролинни ошириш, маданиятни асраб-авай-лаш ва юксалтиришга қаратилган саъй-ҳа-ракатлари ҳамда ташаббусларини Аллоҳ таоло барокатли қилсин.

Мамлакатда ижтимоий тараққийнинг бу муҳим масалаларига қанчалик ҳар томонла-ма ва оқилона ёндашилаётганининг шохиди

бўлиб турибмиз. Давлатингиз раҳбари маъ-навият — тарихий бинонинг гумбази, му-носиб келажак пойдевори эканини яхши тушунади. У асрлар давомида миллионлаб инсоний тақдирлар асосида шаклланган.

Пухта таҳлил ва илмий ҳолислик туфай-ли олимларнинг саъй-ҳаракатлари, Ўзе-бекистон тарихининг энг муҳим саҳифалари қайта очилди, қўллаб атоқли маданият, фан арбоблари, ўзбек халқининг буюк аждодла-ри номларини қайта тикланди. Аввало, Шарқ Уйғонши даврини бошлаб берган Амир Темур ва Теурийлар даври ўзининг муно-сиб баҳосини олди. Теурийлар давридаги маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, илм-фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши Европа Уйғонши жараёнига катта таъсир кўрсат-ди ва жаҳон тамаддунига хизмат қилди. Соҳибқирон Амир Темур бугун нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун ин-сониятнинг фخرдидир.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари — Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Беру-ний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа ўзбек замини-дан етишиб чиққан даҳоларнинг табаррук номлари, бетакрор асарлари ва ишлари қайта тикланди.

Ўсиб келаятган ёш авлодни халқ маъ-навиятининг муносиб давомчисига айлан-тириш борасидаги устувор вазифалар ҳам аниқ белгилаб берилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Ислам цивилиза-цияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот халқаро маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот мар-кази ўзбек халқининг улкан меросини асраб-авайлаш ва ўрганишга садоқати-ни, илм-фан ва таълим ривожига қўшган улкан ҳиссасини ўзида мужжасам этгани юксак эътирофга сазовордир.

— Мамлакатимизда маънавият соҳа-сида олиб бориляётган сиёсат борасида фикрингизни билмоқчи эдик. Сизнинг-ча, маънавиятни юксалтириш мамла-катининг замонавий тараққийига қан-чалик таъсир кўрсатиши мумкин?

— Тарихдан маълумки, маданият ва таълим, тиббиёт, адабиёт, санъат ва меъ-морчилик, хунармандчилик, савдо-сотик ва қурилишнинг жадал раванқ топишига туртки бўлган бундай цивилизациянинг юксалиши, авваламбор, минтақада тинч-лик ва осойишталикни таъминлаш орқали амалга ошди. Бинобарин, кейинги йил-ларда Ўзбекистонда инсон фаолиятининг барча жабҳаларида, айниқса, маданият ва санъат соҳасида амалга ошириляётган кенг қўламли ўзгаришлар ва муваффақиятларга тарихий нуқтаи назардан қарасак, уларни ҳақли равишда мустақиллик Ренессанси даври ютуқлари деб айтишимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг маънавий қадриятлар-ни тиклаш бўйича танлаган йўли маданият соҳасида ҳам ўзининг нақадар тўғрилиги-ни тасдиқлади, бунда давлат нафақат бош ислохотчи, балки хайрихоҳга айланди. Бугун биз бу кўмак нақадар конструктив бўлганини, санъат ривожига қандай улкан туртки берганини кўриб турибмиз.

Мамлакатда ўтказиляётган халқаро фольклор мусика фестиваллари, маком, бахшичилик, “Шарқ тароналари”, хунар-мандлар анжуманлари ва анъанатга айлан-иб бораётган бошқа қўллаб тадбирлар бунинг яққол тасдиғидир.

Яқинда Зоминда бўлиб ўтган Халқаро маком санъати анжуманида қатнашдим. Мазкур фестивалнинг ташкил этилиши юксак тахсинга сазовор бўлиб, Ўзбеки-стон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг маданий қадриятларга бўл-ган шахсий эътибори ва юксак муносаба-тини намойён этади.

Маънавият, маданият ва санъат инсон қалбига осонликча кириб борадиган қудрат-ли воситадир. Шунинг учун ҳам одамларни бириштириб, уларни Ватан ва халқ ман-фаатлари, эзулик ва инсонпарварлик тамо-йиллари билан боғлиқ янги марраларга ун-дайдиган ана шундай муқаддас тушунчалар борлигини тўғри англаш ҳам жуда муҳим. Ҳар бир инсон ўз ҳаётининг асосий ме-зоини, ўз фаолиятида уларни дастуриламал деб билса, шубҳасиз, бу ишнинг натижалари том маънода маънавий камолотга хизмат қилади.

— Жаноб Салим ал-Малик, мазму-ли ва батафсил жавобларингиз учун миннатдорлик билдираимиз.

— Ташаккур.

Инсон қадри учун

АДОЛАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

“
Аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишнинг янги платформаси ишлаб чиқилиб, маҳаллаларда синондан ўтказилмоқда. Асосий мақсад — халқимиз учун ўзини ўйлантираётган ҳар қандай масала бўйича тезкор ва содда мурожаат қилиш учун янада қўлай шароит яратиш, мазкур платформани бошқа ташкилотлар маълумотлар базаларига интеграция қилиш орқали фуқаро кўтарган масала, ҳақиқатан, ҳал этилганини рақамли тизим орқали объектив назорат қилишни таъминлашдир.

таъминотидаги узилишлар, май ойида сўюлтирилган газ билан боғлиқ муаммолар биринчи ўринга чиққани мазкур йўналишлардаги тизимли масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини билдиради. Чунки мурожаатлар аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлашнинг энг самарали индикатори, барометридир.

578 мингдан ортиқ кишининг розилигига эришилди

Муаммоси ҳал бўлган одам кўксини тўлдириб нафас олади, ҳаётида ҳаловат пайдо бўлади. Ўзини елкасидан тоғ ағдарилгандек ҳис қилади. Шу маънода, Президент виртуал ва Халқ қабулхоналарида шу йил ярмида кўриб чиқилган 680 мингдан зиёд мурожаатнинг қарийб 85 фоизи қаноатлантирилгани замирида 578 мингдан ортиқ инсон ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар мужассам.

Такрорий мурожаатлар қайта ўрганилиши натижасида ҳам кўплаб масалаларга ечим топилимоқда. Масалан, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги тадбиркорлардан бирининг ариза-шикоятда кўп тилга олинган муаммо яқинда ҳал қилинди. Унинг қорхонасига шартномалар асосида етказиб берган маҳсулотлари учун Олмалик кон-металлургия комбинатидан қарийб 8,3 миллиард сўм қонуний ҳақи ундириб берилди. Ёки пойтахтлик муро

катта-кичик раҳбарлар учун энг қўйи бўлганга тушиб ишлаш, ҳар қандай масаланинг туб моҳиятини англаш учун очик, шаффоф ва самарали мулоқот майдонидир. Давлатимиз раҳбари топишириги асосида Халқ қабулхоналари кейинги опти ойда чекка, олис, чегарадош қишлоқ, овул ва маҳаллаларда ташкил қилган сайёр қабулларда 183,5 мингдан зиёд мурожаат кўриб чиқилиб, 120,6 мингдан зиёди ижобий ҳал қилинди.

Хусусан, Президент Администрацияси масъуллари кўриб чиққан 971 та мурожаатнинг 98 фоизи, вазирлик, идора ва агентлик раҳбарлари қабулларидида қарийб 2,4 минг мурожаатнинг 39,5 фоизи, секторлар раҳбарларига келиб тушган 180,2 мингдан ортиқ масаланинг 66 фоизига ечим топилди.

Бундан ташқари, Халқ қабулхоналари биноларида Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, туман-шаҳар сектор раҳбарларининг шахсий қабулида кўриб чиқилган 4,2 мингдан зиёд мурожаатнинг 84,9 фоизи қаноатлантирилди.

2 мингга яқин масъул жавобгарликка тортилди

Мурожаатга йўланган жавоб фуқаро иштирокида ўрганилган ариза-шикоятга самарали ечим топиш мумкин. Шунинг учун ҳам Халқ қабулхоналари 9 мингдан зиёд мурожаат кўриб чиқилиши бўйича қабул қилинган 10,3 мингдан зиёд қарорни жойига қиқиб ўрганди. Депутатлар билан ҳамкорликда 3 мингга яқин мурожаат кўриб чиқилиб, шундан 1,7 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди. Секторлар фаолияти бўйича 2,4 мингга яқин мониторинг, давлат идораларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан қарийб 2,9 мингга ўрганиш ўтказилди.

Қарийб 6,4 минг маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича мурожаатлар жойига қиқилиб, таҳлил қилинди. Ана шу ўрганишлар асосида 884 ҳоким ёрдамчиси фаолияти натижадорлигини таъминлаш бўйича индивидуал тақлиф-таъсиялар ишлаб чиқилиб, 2,7 мингдан зиёд семинар ўтказилди.



жавобгарликка, 140 нафари ойлик иш ҳақидан жаримага тортилди, 1194 нафарига ҳайфсан эълон қилинди. Бундан ташқари, яна қарийб 2490 масъул расман огоҳлантирилди.

Халқ қабулхоналари ходимлари малакаси оширилди

Ўзгараётган давр, кундан кун тезлашаётган ҳаёт шиддати, бугунги куннинг ўзи мурожаатлар билан ишлашни сифат даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Шу боис, жорий йил аввалида Давлат бошқаруви академиясида Халқ қабулхоналари ходимлари учун аҳоли билан ишлаш бўйича касбий қарим ва кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган малака ошириш курслари ташкил этилди. Бунинг учун Президент Администрацияси, Давлат бошқаруви академияси, вазирлик, идоралар, таълим муассасаларидан малакали 39 мутахассис жалб этилиб, 19 мавзу бўйича маъруза ва амалий машғулотлар, 6 мавзу бўйича тренинглар ўтказилди. Худудларда туман ва шаҳар Халқ қабулхоналари ходимлари иштирокида юздан ортиқ ўқув машғулотли ташкил этилди.

Мурожаатдан даромадга 5 қадам

Бугун энг долзарб масалалардан яна бири аҳоли даромадини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш ва ёрдам беришдан иборат. Юқорида айтилганидек, Президент Халқ қабулхоналарига жорий йил биринчи ярмида

Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари топиширига кўра, Президент Халқ қабулхонаси жорий йилда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича “Мурожаатдан даромадга” лойиҳасини амалга оширишга киришди.

Бу лойиҳа беш босқични ўз ичига олади. **Биринчи қадам** мурожаатни қабул қилиш бўлиб, бунда, асосан, моддий ёрдам масаласида кўп арз қилган фуқаролар уйига бориб, оилавий аҳоли, чиндан муҳтож ё муҳтожмаслиги, бу аризаларга қандай омилар жавоб бўлаётгани “маҳалла еттилиги”, ҳокимлик, секторлар вакиллари билан ҳамкорликда ҳар томонлама чуқур ўрганилди.

Иккинчи қадам сифатида фуқаронинг касб-хўнарга даёқати, оилавий шартини, томорқадан фойдаланиш маданияти, мавжуд имкониятларини ўрганиш учун мурожаатчилар билан индивидуал сўхбатлашилди, қайси йилда ишга киришни эплаб кетиши, даромад топа олиши бўйича бир тўхтамаг келинди.

Учинчи қадам даромад топишга тайёрлаш бўлиб, бу жараёнда чеварлик ёки пишириқ пиширишга қизиқадиган хотин-қизларни касб-хўнарга ўқитиш, сўнг уларга тикув машинаси ё пишириқ печи олиб беришга қарор қилинди.

Уйда чорваси бор аёлларга сутни қайта ишлашчи сепаратор, томорқадларга хизмат кўрсатишни танлаган йигитларга мотокультиватор, ер майдони бор, бироқ оқар сув муаммосига учраётган оилаларга сугорғиш насоси ажратилди.

Тўртинчи қадам ишсизларни илгор тадбиркорларга бириктириш бўлиб, бунда хунари ва иш анжومي бор фуқароларни шу соҳада кучли малака ва катта тажрибага, ўз бозорига эга тадбиркорларга боғлаш бўйича ишланди. Бу эса улар билан кооперация ташкил қилиш имконини берди.

Бешинчи қадам мурожаатчиларни даромадга олиб чиқиш бўлиб, Халқ қабулхонаси, секторлар ва “маҳалла еттилиги” кооперация фаолиятини ва мурожаатчининг барқарор даромад топишини доимий мониторинг қилиб боради.

Албатта, бунинг учун мурожаатчилардан кучли сабр, чиддам, метин ирода, бетиним меҳнат талаб этилади. Муҳими, улар даромадли бўлиши учун барча шароит ва имконият яратишиб, маҳалла вакиллари доимий кўмакчи бўлимоқда.

Айни шу мақсадда давлатимиз раҳбари топиширига, асосан, Президент Халқ қабулхонаси жорий йилнинг ўтган даврида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Фарғона, Хоразм, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги 400 дан зиёд маҳаллада мазкур лойиҳани амалга оширди.

Унга кўра, Бахмал Арнасой, Мирзачўл, Тошлоқ, Қувасой, Фарғона, Шовот, Ҳазорасп, Тўпроққалъа, Янгйўлбор, Шофirkон, Хўжайли, Бўзатов, Денов, Олтинсой, Сарносий, Узун ва Шўрчи туманлари, Нукус, Фарғона, Қувасой ва Кўкон шаҳарларидаги 1788 мурожаатчи амалий ёрдам кўрсатилди.

Шулардан 1400 дан зиёд ишсиз мурожаатчи, асосан, оғир шароитдаги хотин-қизларга ўн турга яқин иш анжومي олиб берилиб, худуддаги илгор тадбиркорларга бириктирилди. Натижада Шовот туманининг Шовот маҳалласида хунаранд Садоқат Матпанаева 10 турдаги қуроқлар тайёрлаб, Қозғистонга экспорт қилипти. Буюртмалари кундан кун ошаётган Садоқат мазкур лойиҳа доирасида яна 6 нафар қуроқчини ишга қабул қилди.

Қамида беш йиллик тажрибага эга бахмаллик Мархабо Назарова ва Меҳринисо Раҳмонова каби ёш тадбиркорлар ҳам 3-4 нафардан янги чеварни ёнига олиб, фаолиятини янада кенгайтирди. Уларнинг айтишича, ишлаган чевар Бахмалнинг шу чекка қишлоғида туриб ҳам бемалол ойига 3-4 миллион сўм даромад қила олади.

Шофirkоннинг Қалмақон маҳалласида яшовчи Моҳира Икромова уйда гўшти қайта ишлаб, янги тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, Денов маҳалласида яшовчи Нодира Каримова эса сепараторда суддан қаймоқ, сариёғ олиб, бозорга чиқаришни йўлга қўйди.

Бундан ташқари, яна 138 мурожаатчи соғлигини тиклаши, фарзандларининг контракт тўловини тўлаши учун моддий ёрдам ажратилди.

Оғир чўл худуд бўлиши Арнасойда оқар сув тақчил маҳалда томорқадлардаги экинларни сақлаб қолиш учун сизот сувдан фойдаланиш имкони яратилимоқда. Ҳозирча 250 хонадон томорқаддан янада самарали фойдаланиб, даромад олиши учун қудуқ ва насослар ишга туширилди. Бу кўрсаткич тез орада 500 тага етказилади. Ичига яроксиз сизот сувга маҳаллий ўғит аралаштирилиб, асосан, ёз чилласида экинлар сугорилипти.

Мирзачўл туманининг “Янгйўл”, “Дўстлик”, “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 392 та хонадон томорқадларини сугорғиш учун насос орқали оқар сув олиб келинмоқда.

Халқ билан мулоқот тизими тақомиллаштирилади

Халқ билан мулоқот тизими янги тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири Халқ қабулхоналари фаолиятини маҳалла даражасига туширишдан иборат.

Шу мақсадда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилишнинг янги платформаси ишлаб чиқилиб, маҳаллаларда синондан ўтказилмоқда. Асосий мақсад — халқимиз учун ўзини ўйлантираётган ҳар қандай масала бўйича тезкор ва содда мурожаат қилиш учун янада қўлай шароит яратиш, мазкур платформани бошқа ташкилотлар маълумотлар базаларига интеграция қилиш орқали фуқаро кўтарган масала, ҳақиқатан, ҳал этилганини рақамли тизим орқали объектив назорат қилишни таъминлашдир.

Инсон бор экан, янги-янги муаммолар пайдо бўлиши, бу масалалар ариза-шикоят ёки тақлифларга айлиниши, мурожаат воситасида ҳар бир масалага адолатли ечим талаб қилиниши ўта табиий жараён, ҳаёт қонуниятидир. Демак, халқ билан мулоқот тизимини тақомиллаштириш бугуннинг энг ўткир, долзарб талабларидан. Бу эса барчамизни янама мақсад — халқ талаб ва истақлари асосида ишлашга, инсонларнинг дарду ташвишлари билан яшашга ундайди.

Фақат ва фақат халқ билан мулоқот қилиш орқали ҳар бир инсон, оила барча даврда истайдиган, интиладиган ижтимоий адолатга эришиши мумкин. Зотан, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “Хар бир миллатнинг тараққиёти ва таълими, давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамоғи адолатга боғлиқдур”.



Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Президент Халқ қабулхонаси раҳбари

Бошланиши 1-бегда

Янги форматдаги мурожаатлар билан ишлашнинг етти йиллик тажрибасидан хулоса битта: раҳбарлар халқни тингласа, муаммолар ичида ишласа, нафақат бир инсон, бир оила, балки бутун жамиятга тааллуқли тизимли масалаларни ҳам ҳал қилиш мумкин. Мурожаатлар билан ишлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани натижасида кўп йиллардан буюн ечилмай келаётган нақд пул, конвертация, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятига доимий рўйхатга қўйиш, фуқароликка қабул қилиш, ҳаж ва умра зиёратлари, диплом нострификацияси каби ўнлаб тизимли муаммоларга ечим топилди. Ҳатто судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарила бошланди.

Ҳар куни ўртача 4 минг мурожаат

Фикримизни жорий йил ярмидаги фаолият мисолида давом эттирсак. Утган 6 ойда Президент виртуал ва Халқ қабулхоналарига 712,8 мингга яқин мурожаат келиб тушган.

Бу — ҳар куни ўртача 4 мингга яқин ариза-шикоят ёки тақлиф юборилган, дегани.

Мурожаатларнинг 52 фоизи 5 та худуд — пойтахтими, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари аҳолиси ҳиссасига тўғри келади. Туман-шаҳарлар бўйича Ҳовғон, Навоий, Янгйер, Оҳангарон, Чирчиқ, Бекобод, Ширин, Термиз шаҳарлари, Деҳқонobod, Бектемир, Кармана, Миробод, Пахтачи, Ғузор, Сергели, Термиз, Нурота, Сайхунobod, Учқудуқ ва Зафарobod туманларидан мурожаат талайгина.

Ариза-шикоят кўплиги муаммолар кўлами билан бирга, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошиб бораётганини, мурожаатлари ҳал бўлишига ишончи мустаҳкамланганганини ҳам англатади. Энг кўп — 61,4 минг мурожаат ижтимоий таъминот йўналишида, 59,6 мингтаси суд қарорлари ижроси бўйича, 48,3 мингта масала эса ҳуқуқбузарликларга оидлиги айни шу йўналишларда тизимли масалалар борлигидан дарак беради. Фуқаролик ишлари бўйича суд масалаларига доир ариза-шикоятлар 1,5 баробар, автожаримларга оид мурожаатлар қарийб 1 баробар ошгани ҳақида ҳам шундай фикрлар билдириш мумкин.

Қайси ойда қандай масалалар долзарб?

Президент виртуал қабулхонаси тизимининг яна бир ноёблиги шундаки, мурожаатлар таҳлили асосида исталган худуд, соҳа, ҳатто давр бўйича ҳам халқимизни нима масалалар кўпроқ ўйлантираётганини таҳлил қилиш мумкин. Дейлик, январдаги мурожаатларда болалар нафақаси, фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатлари ва ижро, бандлик, ҳуқуқбузарлик ва фирибгарликка оид масалалар энг кўп акс этган. Февралда электр энергияси таъминотидаги узилишлар ва моддий ёрдам бўйича ариза-шикоятлар кўпайган.

Март ойида газ таъминоти масаласи кўтарилган бўлса, апрелда алимент ундириш, пенсия, нафақа, тадбиркорлик учун кредит ажратиш, май ойида фирибгарлик тўғрисидаги хабарлар, июнда машиини чиқиндиларни олиб кетиш ва электр ҳисоблагичи носозликлари билан боғлиқ ариза-шикоятлар сони ошган.

Этиборлиси, январь, февраль, апрель ва июнь ойларидаги мурожаатларда 18 ёшга болалар нафақаси, мартда электр энергияси



жаатчига 6 йил аввал “снос” қилинган мулк учун шу йил февралда 2,5 миллиард сўмдан зиёд компенсация берилиши таъминланди. Бунинг учун худудий масъулларнинг юзаси ўрганишлар билан берган жавобини 28 марта рад этишга тўғри келди.

Худди шундай бир неча марта рад этишдан сўнг хивалик мурожаатчининг 2018 йилда Хива шаҳрида бузилган меҳмонхонаси учун шу шаҳардан 12 сотих ер майдони ажратиб берилиши таъминланди. Бекободлик тадбиркор аёл бир йил аввал тикувчилик қорхонаси юк омборида юз берган катта ёнғин оқибатида 805 миллион сўмдан зиёд зарар кўради. Сугурта шартномасига кўра, унга бу зарар қоплаб берилиши керак эди, лекин бу мурожаатчи ҳам бир йилча сарсон бўлиб, Президент виртуал қабулхонасига шикоят қилгач, яқинда зарари тўлиқ қоплаб берилди.

Умумлаштириб айтганда, ижтимоий таъминот — пенсия, нафақа, имтиёз, компенсация, ижтимоий дафтарлардаги фуқароларнинг моддий ёрдам, субсидия билан боғлиқ 37 минг 850 дан зиёд масаласи ҳал қилиб берилди. Хусусан, 2917 мурожаатчига уй-жойини қуриш-таъмирлашга, “Ёшлар дафтари”даги 1308 мурожаатчига ўзи ёки фарзандининг контрактини тўлашга ёрдам кўрсатилди.

Сайёр қабулларда 120,6 мингдан зиёд масала ҳал этилди

Сайёр қабуллар одамлар учун ўз дарду ташвишларини мутасаддиларга айтиш,



Натижада аҳоли мурожаатлари билан талаб даражасида ишламагани учун давлат идоралари масъул ходимларининг 1976 нафари жавобгарликка тортилди. Хусусан, уларнинг 183 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 459 нафари маъмурий энг кўп келиб тушган мурожаатлар айнан ижтимоий таъминот масаласида экани ҳам бунни исботлайди. Мазкур ариза-шикоятлар таҳлил қилинганда моддий ёрдам сўровларининг асл сабаби оилавий даромад пастлиги билан боғлиқлиги ойдинлашди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН БАРҚАРОР АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЯНГИ ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Хорижлик экспертлар Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг 18-19 июль кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи ва олий даражадаги музокаралар якунлари тарихий аҳамиятга эга бўлиб, кўп томонлама ўзбек-қирғиз шериклиги ва Марказий Осиё минтақасида фаоллашган ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи учун мустақкам асос яратишига эътибор қаратмоқда.

Кубаничбек ТААБАЛДИЕВ, қирғизистонлик сиёсатшунос:

— Президент Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга бу гапга ташрифи ўзaro муносабатларда муҳим аҳамиятга эга. Чунки икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабатларни стратегик шерикликнинг янада юқори даражасига олиб чиқиш истаги амалий ва истиқболли лойиҳалар билан қўллаб-қувватланмоқда. Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустақкамлаши икки мамлакат халқлари имкониятларига тўлиқ мос келади. Шунинг учун ҳам икки халқ ўртасидаги кўп аспекти алоқаларни мустақкамлайдиган Маданият кунлари қайта тикланмоқда. Иқтисодий соҳада икки давлат раҳбарлари иштирокда Қирғизистоннинг Чуй вилоятида биринчи қўшма автомобиллар ишлаб чиқариш заводи ишга



туширилиши ўзaro муносабатлар нафақат янги босқичга кўтарилаётганидан, балки томонларнинг улкан техник салоҳиятидан далолат беради. Тошкентда бўлиб ўтган бизнес-форум давлатларимиз ишбилармон доиралари ўзaro


Лутфулло РАҲМОНОВ, “Ўш садоси” газетаси бош муҳаррири:

— Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиш босқичига чиқди. “Ён қўшни — жон қўшни”, “Дўст оғир кунда билинади”, деб беиз айтилмаган. Ҳар бир давлат табиий офатларни бошдан кечириши мумкин. Хусусан, Тошкент зизиласи, Қозғонистондаги сув тошқинлари, қуни кеча Ўш вилояти ва шаҳрига талайгина зарар етказган, ҳаттоки бир неча инсон ҳаётига зомин бўлган сел офати шулар жумласидандир. Бундай оғир дамларда бир-бирига ёрдам кўрсатиш, ҳам моддий, ҳам

маънавий қўллаб-қувватлаш азал-азалдан қардош халқларнинг асрий одатларидан бири бўлиб келган. Ўшбу оғир вазиятда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Қирғизистонга 200 тоннадан ортиқ инсонпарварлик ёрдами юборилди. Бу, албатта, чегарадош икки юрт ўртасидаги самимий ҳамкорлик, иноқлик ва дўстлик алоқаларининг мустақкамлаши самарасидир. Бугунги кунда Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли мамлакатларимиз ўртасида қўллаб-қувватлаш муаммолар бартараф этилмоқда. Шунинг учун ҳам икки халқнинг жадаллаштиришига хизмат қилади.

манфаатли муносабатларни ривожлантиришдан қанчалик манфаатдор эканини яна бир бор намоён этди. Бошқа соҳалар қатори таълимда ҳам ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи асосида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ректорлар форуми бунинг ёрқин тасдиғидир. Икки томонлама алоқаларнинг мустақкамлашида давлат раҳбарларининг шахсий муносабатлари муҳим омил бўлаётди. Бошиданоқ қўшнилар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақкамлашни мамлакат тараққиётининг асосий йўналиши сифатида белгиланган Ўзбекистон Президенти Қирғизистон Президентини ҳар йили бу байрам катта шодона ва тантана билан кутиб олинади. Байрамни Ватанимизнинг бугунги қудрати, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, халқaro миқёсдаги обрў-эътиборига мос тарзда ўтказиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тийғарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Кейинги етти йилликда юртимиз ҳаётида катта ўзгариш ва янгиликлар содир бўлди. Мазкур ишлар бу йилги байрам тадбирларининг асосий ғоясини ташкил этади. Қарорга мувофиқ, давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тийғарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби тасдиқланди, амалга ошириладиган вазифалар белгилаб берилди. Қайд этиш керакки, ҳаётда янгилик қилиш, нимадир ўзгариштириш ягона шарт мустақил бўлиш. Мустақил инсон каби мустақил давлат ҳам ўз тақдирини ўзи хал қилади, тараққиёт йўлини ўзи белгилайди.



Ишонаманки, бўлиб ўтган олий даражадаги давлат ташрифи икки эл ўртасидаги дўстлик алоқалари янада ривожланишига ва ўзaro манфаатли шериклики жадаллаштиришига хизмат қилади.

Далия ОЛТУНТЕПЕ, “Нидерландия — Ўзбекистон” дўстлик жамғармаси раиси:

— Ташриф Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатларда бурилиш даври бўлиб, икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар яратяди. Бу воқеа иқтисодий алоқаларни мустақкамлаш ва турли соҳаларда фойдаланилмаган улкан салоҳиятни ишга солишига содиқликдан далолат беради. Ҳар икки давлат ҳам самарали ҳамкорлик учун асос сифатида кучли иқтисодий шериклик сари интилмоқда. Қирғизистон ва Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорликка эътибор қаратиш орқали ўсишни рағбатлантириши ва тадбиркорлар учун янада қўлай муҳит яратиши мумкин. Ҳамкорлик салоҳиятини мустақкамлашнинг асосий йўналиши транспорт секторидир. Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги транспорт инфратузилмасини мустақкамлаш ва алоқ-



ларини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Самарали транспорт тармоқлари иқтисодий ўсишда товарларнинг эркин ҳаракатланишини осонлаштиради. Ўзaro муносабатларнинг яхшиланиши савдо ҳажмини ошириш, бозорларга киришни енгилаштириш ва минтақавий иқтисодиётнинг кенгроқ интеграциялашувиغا олиб келади. Туризм секторида ҳали фойдаланилмаган катта салоҳият мавжуд. Қирғизистон ва Ўзбекистон бой маданий ва тарихий меросга эга, бу уларни халқaro


Су ЧАН, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими:

— Албатта, бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар икки томонлама муносабатларни янада жадал ва мазмунли қилади. Қирғизистон етакчисининг Ўзбекистонга ташрифи давомида қатор икки томонлама тадбирлар, жумладан, Ҳукуматларaro комиссия йиғилиши, бизнес-форум, Ректорлар форуми, шунингдек, Қирғизистон маданияти кунлари каби ранг-баранг тадбирлар билан бирга ўтди. Ташриф якунлари бўйича катта ҳужжатлар тўплами қабул қилинди. Улардан энг асосийси Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кенг қаровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнот ҳисобланади. Шунингдек, Президентлар раислигидаги Давлатларaro кенгаш тузишга келишиб олинди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаров иштирокида бир қатор янги қўшма лойиҳаларга старт берилди. Булар Ўзбекистон ҳудудида электр энергияси ишлаб чиқариш ва Қирғизистонга экспорт қилиш бўйича қўйилган электр станцияларини қуриш, автомобиллар ва ускуналар, тиквун-трикотаж маҳсулотлари ва мато ишлаб чиқариш соҳаларидаги янги кооперация лойиҳаларидир. Ўзбекистон ва Қирғизистон яқин йилларда ўзaro товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш, шунингдек, Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт жамғармасининг устав капиталини 200 миллион долларгача ошириш бўйича келишиб олгани алоҳида эътиборга молик. Икки давлат раҳбарларининг бар-

сайёҳлар учун янада жозибador қилади. Икки давлатнинг ўзига хос диққатга сазовор жойлари бўйлаб қўшма туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш сайёҳлар учун янада жозибador таклифлар яратиш имконини беради. Халқaro стандартларга мос ва ташриф буюрувчилар учун қўлай шароит яратишда транспорт, турар жой ва туризм хизматларига инвестиция киритиш зарур.

Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи фақатгина дипломатик воқеа эмас, бу икки томонлама ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очадиган дарвозадир. Иқтисодий алоқаларни мустақкамлаш, транспорт-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш ва туризм соҳаси салоҳиятидан фойдаланишга эътибор қаратиш орқали ҳар икки давлат барқарор иқтисодий ўсиш ва ўзaro фаровонликка йўл очиши мумкин. Ўшбу соҳалардаги қўшма сайёҳаракатлар ва инвестиция киритиш нафақат Қирғизистон ва Ўзбекистон иқтисодиётига фойда келтиради, балки фуқаролар ҳаётини ҳам яхшилайд.



ча келишувлари, шубҳасиз, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлаш, бутун минтақа тараққиёти ва фаровонлиги учун янги имконият ва шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Хитой Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва “Марказий Осиё — Хитой” формати доирасидаги ҳамкори сифатида бундан манфаатдор.

Аднан Муҳаммад АЛ-ХИТАРИЙ, Қатарнинг “Petro-Q” компанияси раиси:

— Ўтган бир неча йил ичида Ўзбекистон раҳбарининг сайёҳаракатлари билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзaro ишонч ва ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу вақт ичида минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзaro ҳамжиҳатлик муҳити тубдан яхшиланди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик сўнгги пайларда жадал ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарларининг ўзaro фаол ва ишонгли мулоқоти туфайли эришилган кўп қирралли Ўзбек-



қирғиз алоқалари изчил мустақкамлашиб бормоқда. Томонлар барча соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун катта сайёҳаракатларни амалга оширмоқда, бу эса икки давлат манфаатларига мос келади.

Ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимиз катта натижаларни қўлга киритди. Ўзбекистоннинг дунёга очилгани, яқин қўшнилари билан тарихий ришталарни тиклагани, халқaro миқёсда катта ташаббусларни дадил илгари суриб, собитқадамлик билан олдинга илдамлаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САОДАТИ

халқимизни буюк мақсад йўлида бирлаштириб, ютуқ ва марралар сари илҳомлантирмоқда

Мамлакатимиз тарихидаги 33 йил истиқлолни қўлга киритиш, сиёсий мустақилликни иқтисодий эркинлик билан мустақкамлаш, турли тўсиқларни енгиб ўтиш ва янги марраларни забт этиш пайти бўлди.

Ота-боболаримиз асрлар давомида интилган, курашган, керак бўлса жонини фидо қилган бебаҳо неъматни халқимиз кўз қорачигидай асраб-авайлаб келмоқда. Бу йўлда не-не синовларга дуч келганимиз ҳам бор гап. Халқимиз оқиллик, ҳамжиҳатлик билан довоилар ошиб, дунёда обрў-эътиборини мустақкамламоқда. Шу бонис, мустақиллик байрами биз учун азиз ва муқаррамдир. Мамлакатимизда ҳар йили бу байрам катта шодона ва тантана билан кутиб олинади. Байрамни Ватанимизнинг бугунги қудрати, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, халқaro миқёсдаги обрў-эътиборига мос тарзда ўтказиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тийғарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Кейинги етти йилликда юртимиз ҳаётида катта ўзгариш ва янгиликлар содир бўлди. Мазкур ишлар бу йилги байрам тадбирларининг асосий ғоясини ташкил этади.

Қарорга мувофиқ, давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тийғарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби тасдиқланди, амалга ошириладиган вазифалар белгилаб берилди. Қайд этиш керакки, ҳаётда янгилик қилиш, нимадир ўзгариштириш ягона шарт мустақил бўлиш. Мустақил инсон каби мустақил давлат ҳам ўз тақдирини ўзи хал қилади, тараққиёт йўлини ўзи белгилайди.

Ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимиз катта натижаларни қўлга киритди. Ўзбекистоннинг дунёга очилгани, яқин қўшнилари билан тарихий ришталарни тиклагани, халқaro миқёсда катта ташаббусларни дадил илгари суриб, собитқадамлик билан олдинга илдамлаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Бу йилги байрам тантаналари “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!” бош ғоясини ўзига мувофиқ равишда жуда катта маъно бор. Бу ғоя асосидаги ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, шунингдек, “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” бўйича қабул қилинган давлат дастури билан уйғун ҳолда тийёрланади. Ҳужжатда белгиланганидек, байрам тадбирлари дастурида боқий қадрият ва анъаналаримиз, бой урф-одатларимиз тараннум этилади. Кенг аҳоли қатламлари ўртасида мустақиллик байрамига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, уч авлод учрашувлари, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, миллий кино кунлари, сайилар, маданият ва спорт тадбирлари, гастрономик фестиваллар ўтказилади.

— Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрами Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ҳамда туманлар, қишлоқ ва овулларда юқори қайғийнгда, муносиб нишонланади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов. — Айни мақсадда жойларда маърифий учрашув ва суҳбатлар, концерт дастурулари ташкил этилади. Марказ, Маданият вазирлиги, Маҳаллалар уюшмаси билан ҳамкорликда 594 та энг чеcca қишлоқ ва овул белгилаб олинди. Асосий мақсадиимиз ана шундай олис ҳудудлар, маҳаллалар, таълим муассасалари, меҳнат жамоаларида юртимизда инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари етакчи ўрнида турадиган ижтимоий давлат ва халқпарвар жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган тарихий ишлар,

меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан эришилаётган улкан натижалар мазмун-моҳиятини кенг тарғибот қилишдан иборат.

Байрам муносабати билан кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий химоя дафтаридаги киририлган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирлари ўтказилади. Ватанимизнинг миллий истиқлоли, халқимиз озолиги учун курашиб, шу йўлда жон фидо этган, мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлган ота-боболаримизнинг хотираси ёд этилади.

Иқодкор учун энг азиз мавзу — Ватан. Энг азиз сўз — эрк ва мустақиллик. Бу йилги байрам тантаналари иқодкор аҳлига янгича ғурур ва сурур бахш этади. Бонис, улар ўртасида “Она диёр — ранглир жилосида”, “Ватан учун яшайлик!”, “Энг улуг, энг азиз” каби аънаваний, шунингдек, юртимиз истиқлолини тараннум этувчи энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари танловлари ўтказилади. Мазкур танловлар гўлиби ва совриндорлари мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади ва улар тантанали равишда тақдирланади.

Ҳа, ўтган ҳар бир кун бизни энг улуг, энг азиз байрамимизга яқинлаштирмоқда. Давлатимиз бонис ўтган зафарли йилларга разм солиш ҳар биримизга фахр ва ифтихор улашади. Муҳими, халқимиз эришган улкан ютуқларда шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг муносиб ҳиссаси бор. Шундай экан, мазкур қарор бу фикрларни янада терадорқ англашимиз, юрт тақдирини учун дахлдорлик ҳиссини туйишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Лутфулла ХАЙРУЛЛАЕВ, журналист

ОЛИЙ ТАЪЛИМ УЧ ЙИЛЛИК ДАСТУРГА ЎТҚАЗИЛАДИ

ТАЛАБАЛАР БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ИШЛАБ, КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ИШ ЖОЙИДА РИВОЖЛАНТИРАДИ



Туризм

Дунёда туризм соҳасига барча инфратузилмасни тараққиёт этиришга бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қаралади. Замонавий сайёҳлик транспорт, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш жабҳаларининг юқори даражада ривожланишига асосланган бўлиб, бу охири-оқибат уни иқтисодиётнинг яқини даромадли, яъни драйвер соҳасига айлантиради.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бугун туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истиқболли тармоқларидан бири. Глобаллашув жараёни одамларнинг дунё бўйлаб эркин ҳаракатланишига кенг имконият эшитини очди. Мамлакатимизда ҳам сайёҳликни ривожлантириш жуда катта иқтисодий самара беради. Чунки бу хориғга махсулот экспорт қилмай, валюта олиб кириш имконияти демек.

Таҳлилларга кўра, кўпгина ривожланган давлатларда туризмдан келадиган даромад бошқа соҳаларга қараганда анча кўп валюта тушуми келтиради. Масалан, Туркия йилига 4-5 миллиард долларлик товар экспорт қилса, сайёҳлик фаолиятидан 10 миллиард доллардан ортиқ фойда олади. Австрия, Англия, Италия, Франция, Испания каби давлатларда ҳам ана шундай юқори кўрсаткичларни кўриш мумкин. Ўзбекистон 1993 йил 4 октябрда Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Бугун-жаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантиришга катта тurtки берди.

Кейинги йилларда туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш, шу йўналиш билан шуғулланувчи тадбиркорларга имтиёзлар бериш, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмасини шакллантириш босқичидаги ишлар янги босқичда жадал ривожланмоқда. Зеро, мамлакатимизда тарихий, маданий ва хушманзара жойлар жуда кўп. Улар негизда туризм масканлари, меҳмонхоналар барпо этилмоқда. Шунингдек, виза бериш тартиб-таомиллари соддалаштирилиб, сайёҳлик бизнесига қўлайлик яратилди. Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туризм полицияси ташкил этилди.

Президентимизнинг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканимиз туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, биринчи навбатда, транспорт-логистика ва туризм инфратузилмасидаги муаммоларни тезкор ҳал этиш, шунингдек, мавжуд ресурслар ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобида соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўлайлик ва имтиёзлар яратилди.

Жорий йил 3 июнь кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши ҳамда тадбиркорлар билан

мулоқотда Президентимиз соҳа мутасаддиларига бу тармоқни янада ривожлантириш мақсадида қатор топшириқлар берган эди. 16 июль кунини давлатимиз раҳбарига ана шу топшириқлар ижроси доирасида ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижлик сайёҳлар оқимини кўпайтириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот қилинди.

— Президентимизга соҳа ривожига қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тақдимот қилинди, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуриндаги Туризм қўмитаси раиси Умид Шодиев. — Шунга кўра, туризм соҳаси ривожига қаратилган 5 та муҳим ҳужжат имзоланди. Хорижлик сайёҳларини юртимизга жалб қилиш учун туризм ташкилотларини айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 50 миллион доллар қийматига алоҳида кредит линияси очилмоқда. Бу кредит миллий валютада йиллик 17 фоиз ставкада, 2 йиллик имтиёзли давр билан 10 йилга ажратилади. Салоҳияти юқори бўлган жойларда мастер-режалар асосида туризм масканлари барпо этилади. Бундай ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш учун жорий йилда мамлакат бюджетидан 100 миллиард сўм йўналтирилади. Шунингдек, уларнинг ҳар бирига 50 миллион доллар миқдорига инвестиция жалб қилинади.

Туризм соҳасидаги тадбиркорлар учун қатор енгиликлар ҳам назарда тутилмоқда. Улар орасида автобус ва микроавтобусларни боқхона боқидан озод этиш, туроператор ва хунармандларнинг халқaro ярмаркалардаги харажатининг 50 фоизини қоплаб бериш, хорижий меҳмонлар иштирокида бизнес тадбирлар ташкил қилган тадбиркорларнинг фойда солиғини 50 фоизга камайтириш каби чоралар бор.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг миллий туризм брендини яратиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ, мақсадли бозорлар талабларидан келиб чиқиб, юртимиздаги сайёҳлик манзилгоҳлари тўғрисида контентлар яратилади. Улар халқaro медиа ва ижтимоий платформалар, жаҳон спорт ва санъат тадбирларида тарғибот қилинади. Бунга аудиторияси катта хорижлик журналист, блогер ва инфлюэнсерлар ҳам жалб этилади.

Сайёҳларга қўлайлик яратиш мақсадида барча авиа, темир йўл ва автобус катновлари ҳақидан маълумот ва чипта олиш имконини берадиган ягона онлайн платформа ишга туширилади. Авиа, темир йўл ва автобус чипталарини камда олти ой олдин савдога чиқариш тизими жорий

қилинади. Умумхалқ байрамлари кунларида қўшимча авиақатновлар йўлга қўйилади. Булар ҳақида мунтазам оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борилади.

Бундан ташқари, туроператорлар учун ҳам қатор енгиликлар яратилмоқда. Жумладан, олис ҳудудларда туристлар оқими кам бўлган ҳолларда имтиёزلардан фойдаланиши мумкин. Тибийёт туризмини ривожлантиришга доир ҳужжатга кўра, қўшни давлатлардан давонлаш мақсадида келатган беморлар учун қатор сайёҳлик имкониятлари яратилади.

Яна бир муҳим жиҳат, соҳа учун маалаки мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг яқинда Фарғона вилоятига ташрифида соҳа кадрларини тайёрлаш мақсадида қатор топшириқлар берилган эди. Ана шу топшириқлар ижросидан келиб чиқиб, қарор лойиҳаси тайёрланди. Бу ҳужжат ҳам тақдимотда тасдиқланди.

Қарорга асосан, туризм соҳаси бўйича тайёрланаётган кадрлар энди амалиётда ишлаш имконига эга бўлади. Жумладан, талабалар биринчи босқичда назарий билим олса, иккинчи ва учинчи босқичларда кўпроқ амалиёт билан шуғулланади. Ана шу орқали соҳадаги кадрлар масаласини енчиша эришилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб бу борада ҳам қатор енгиликлар мўлжалланмоқда. Хусусан, туризм ва меҳмонхона хўжалиги соҳасида ўқув дастурулари жаҳон рейтингига биринчи 100 талikka кирувчи таълим муассасаларининг тажрибаси асосида тақомиллаштирилади. Соҳада олий таълим тўрт йилликдан уч йилликка ўтказилади. Талабаларга бир вақтнинг ўзида ихтисослиги бўйича ишлаб, касбий кўникмаларини бевосита иш жойларида ривожлантириш имконияти яратилади. Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Урганч давлат таълим институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва “Ипак йўли” туризм халқaro университетида гидлар тайёрлаш курслари очилади.

Соҳа ривожига қаратилётган эътибор, берилаётган қўлайлик ва имтиёзлар натижасида 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида 3,5 миллиондан ортиқ чет эл фуқароси сайёҳ сифатида Ўзбекистонга келган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мис даврига нисбатан 415,6 мингта ёки 13,3 фоиз ошган.

Туризм фаолияти субъектларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланиш самардорлигини ошириш, давлат олиш ва туризм учун шарт-шароитларни яхшилаш нафақат иқтисодиётга, балки аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



Замон билан ҳамнафас

ОЛИМЛАР ДАВРАСИГА КИРИШ ОСОН КЕЧМАДИ



Холида ПРИМОВА,
Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали доценти, техника фанлари доктори

Юртимизда ахборот технологиялари бозори жадал ривожланиши баробарида соҳа мутахассисларига эҳтиёж тобора ошиши табиий. Илмий тадқиқотлар, ахборот технологиялари, стартап ғоялар, компьютер саводхонлиги... Бугун бу йўналишларда муваффақиятли фаолият юритаётганлар орасида хотин-қизлар салмоқли ўрин эгаллайди. АКТни ривожлантириш, барча соҳаларни рақамлаштириш,

ушбу жараёнда аёл-қизлар фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани менинг ҳаётимда ҳам ўз изини қолдирди. Келинг, ҳаммаси ҳақида бошидан ҳикоя қилиб берсам.

Болаликдан кучли бўлишга мажбур эдим

Болалигим бошқаларникидек қувноқ ўтган дея олмайман. Инсон болалик чоғиданоқ имконияти чекланган бўлса, унда икки қарра кучли бўлиш мажбурияти устунлик қиларкан. Мен ҳам жамиятда муносиб ўринини топиш ва соғлом тенгдошлиримдан ортада қолмаслик учун доим ҳаракатда эдим. Шунинг учун ўқишга кўп вақтимни сарфлаганман. Чекка бир қишлоқда туғилиб ўсганимга қарамай, ота-онам яхши ўқимши, билим олишим учун ҳамма шароитни яратиб берди. Китоблар, ўқув қуролларим етарли, дарс тайёрлаш учун қулай муҳит бўлган.

Мунтазам шуғулланишларим бесамар кетмади. Самарқанд давлат университетининг амалий математика ва информатика йўналишига ҳужжатларимни топшириб, учинчи йил деганда талаба бўлдим.

Математика доим ечим беради

Математиканинг жозибаси нимада? Бу саволни кўп сўрашди. Мен математика формулаларига жуда қизиқман. Бир мисолнинг ечимини битта эмас, бир неча формула орқали ишлаб чиқиш мумкин. Унта мисолни бир усулда эмас, аксинча, битта мисолни ўнта усулда ечиш менга кўпроқ завқ беради. Бир хил мисолни турли усул ва формулаларда ишлаб чиқиш мумкин. Буни ҳаётга қиёсланганимда ҳар қандай муаммага ечим борлигини кўраман. Демак, математика доим ечим беради. Ечимни йўқ деган тушунча фанда жуда кам учрайди. Агар ечим мавжуд бўлмаса, фараз қилиш орқали ечим топилади. Шу боис, муаммага учраган вақтимда бунинг албатта ечим бор, дея вазиятдан чиқиб кетиш йўли ҳамда усулини излайман. Ечим йўқ экан, деб таълим

бўлмайман. Ҳаттоки кундалик ҳаётимизда мавжуд объектлар, жараён ва ҳодисаларни ҳам математик формулалар орқали ифодалаш мумкинлиги кўпга соҳаларда қўл келиб, эҳтимолий муаммоларни олдиндан аниқлашга имкон беради. Бу эса математиканинг қанчалик кўп қиррали ва муҳим аҳамият касб этишининг яққол ифодасидир.

2005 йили университетнинг бакалавр босқичини тугаллаб, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали магистри бўлдим. Математика менга ахборот технологияларини чуқур ўрганишимда асос бўлди. Шу боис, дастурчи бўлиб шаклланишим қийин кечмади. Хавф-хатарини, ер унумдорлигини баҳолаш, нишончилик даражасини аниқлаш, тиббиётда кўз касалликлари, ветеринарияда қорамолларда учрайдиган касалликларни ташхислаш, поликлиникалар учун автоматлашган патронаж мобил иловаси каби иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан самарадорлиқни оширувчи дастурлар яратдим. Дастурлаш тиллари менда мантиқий фикрлашни ривожлантирди.



Математикада аниқ жараён билан ишланади. Дастурчи эса реал жараённи мантиқий фикрлаб, уни виртуал ҳолатда тасаввур қилиб олиши муҳим. Мантиқий фикрлаш орқали, албатта, аниқ формуладан қандай фойдаланиш кераклигига жавоб топа олади.

Ахборот технологиялари ёрдамида виртуал оламимни яратдим

Соҳага киргач, ўз оламимизни ярата оласиз. Дастурлаш мантиқий фикрлаш ва янги-ча ёндашуви талаб этади. Бу дегани, доим изланиш, ўрганишда бўлишингиз шарт. Ҳар кунни битта англис тилини ўрганиш одатга айланиши керак. Одатга айланмаса, яхши мутахассис бўлиб етишиши қийин.

Дастурлашнинг шаҳсан мен учун бошқа соҳалардан ажралиб турайдиган энг муҳим жиҳати жисмоний имкониятларингиз, ташқи кўринишингизнинг ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигидир. Исталган жойдан туриб, ахборот технологиялари билан шуғулланиш мумкин.

Айнан унинг ёрдамида мен ҳам ўз виртуал оламимни ярата олдим.

Сўнгги йилларда шоғирларим билан бирга ветеринария ва қурилиш соҳасида сўнгий интелектни қўллаш устида илмий изланишлар қилдим. Уни қорамолларда учрайдиган касалликларни ташхислаш ва қурилиш материалларини интеллектуал танлашда қўллашнинг. Бошқаларда касаллик асоратлари даражасини аниқлаш ҳамда кўз касалликларини ташхислашда шифокор қарор қабул қилишига ёрдам берувчи тизим ишлаб чиқиш бўйича шуғулланяимиз. Шунингдек, у патронаж мобил иловасини тиббиёт муассасаларининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш патронаж бўлимига жорий этиш, маълумотлар базасини шакллантириш, беморнинг тахлил натижаларини қўйиш, ташхислаш аниқлигини ошириш билан бир қаторда унинг саломатлигига ўзгаришларни доимий кузатиб боришга хизмат қилди.

Бугунги кунда сифатли, чидамли ва барқарор қурилишга эришишнинг энг самарали стратегияларидан бири ота-муҳитга салбий таъсири кам бўлган материалларни танлаш ҳисобланади. Иқтисодий, техник, ижтимоий-маданий ва экологик омилларни инобатга олиб, қурилиш материалларини танлаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Ҳаракатчан инсон қобилиятини ривожлантира олади

Ахборот технологиялари соҳасида фан доктори даражасига эришиш осон бўлмаган. Айниқса, аёллар учун илм йўли силлиқ кечмас экан. Чунки илм олишининг чегараси йўқ. Баъзан васийликка олган фарзандимга етарлича эътибор қарата олганман паитларим бўлди. Ярим туни, гоҳида тонгача ижод қилдим, эландим. Олимлар даврасига кириш, у ердаги муҳит мени қабул қилиши осон бўлмади. Қийинчиликлар сабабли ёзган диссертациям ишимни ҳимоя қилмасдан ташлаб кетиш истаги ҳам бўлди. Уша вақтларда

илмий раҳбарим, техника фанлари доктори, профессор Дилноз Муҳаммадиева ўз онамдек ёнида турди, ҳар бир ишда далда ва кўмагини аямди. Устозим ёрдамида 29 ёшимда техника фанлари номзоди, 36 ёшимда техника фанлари доктори илмий даражасига эга бўлдим.

Янгиим илм билан шуғулланибман. Бугун мени Ўзбекистондан ташқаридан ҳам тан олинган бўлсам, Ҳиндистоннинг ITC/SCAAP дастурининг Proficiency in English & IT Skills курсида муваффақиятли малака ошириб келдим.

"International Symposium on Automation, Information and Computing (ISAIC-2021)" халқаро конференциясида маъруза қилдим. International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT-2021)" халқаро конференцияси ҳамда IV International Conference On Ensuring Sustainable Development In The Context Of Agriculture, Energy, Ecology And Earth Science (ESDCA2024) халқаро конференциялари учун берилган мақолаларга тахририят аъзоси сифатида тақризчи этиб тайинландим.

Баъзи инсонларга тугма қобилият берилади деб ўйлабман. Лекин ҳаракатчан инсон қобилиятини ривожлантира олади. Фақат хоҳишининг ўзи етарли бўлмай, олдига мақсад қўйиб, унга ҳаракат қилса, албатта, муваффақиятга эришади. Мен ўзимни тугма қобилиятли деб ҳисобламайман. Оиламизда олимлар бўлмаган. Лекин менда математикага қизиқиб ва интилувчанлик кучли бўлган. Бу хусусият шахсий ривожланишда муҳим омил саналади. Шоғирларимга ва фарзандимга бу ҳақда кўп айтаман. Шахсий ривожланишнинг асосий омил — фақат ҳаракатчанлик. Бундай инсон кўп нарсага эриша олади.

Соҳада муаммолар ҳам борми?

Фақатгина яратётган дастур билан янгилик қилиб бўлмайди. Дастуримиз ишлаши жараёнидаги алгоритмлар орқали масаланинг

ечими олинади. Ҳозирги кунда ўрнатилган тизимлар учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш, cloud хизматлардан фойдаланиш муҳим масалалардан биридир. Лекин ишлаб чиқилган дастурий таъминотни қурилмаларга ёзиш учун биз кўпроқ виртуал лабораториялардан фойдаланяимиз ёки техник таъминотни бошқа давлатлардан буюртма асосида олиб келяимиз. Масалан, турли соҳаларда қўллаш мумкин бўлган робототехника, кўз касалликларини ташхислашга хизмат қилувчи тизимга зарур бўладиган кўз тур пардасини тасвирга олувчи аппаратлар жуда қimmat. Шу қурилмаларни Ўзбекистон ҳудудига ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, илмий изланишларимиз самарадорлиги янада ошган бўлар эди. Зеро, тадқиқотларимиз жаҳон олимлари изланишларидан асло қолишмайди.

Яқин йилларда барча соҳалар рақамлаштирилиши боис, катта ҳажмли маълумотлар билан ишлашга эҳтиёж пайдо бўлади. Бу жараёнда эса cloud технологиялар ва квант алгоритмлардан фойдаланиб, параллел процессорлар билан ишлаш ҳисобига аҳолига катта тезликка, қисқа вақтда хизмат кўрсатиш тизимлари йўлга қўйилади. Қўл меҳнати, инсон омиллига боғлиқ ҳолатлар қанчалик, автоматлашган инструментал тизимлар, роботлар фаолияти тақомиллашади. Ахборот технологиялари соҳасини кун сайин ривожлантирган, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан замон билан ҳамнафас бўлишга ёрдам берувчи асосий восита деб биламан.

Эътибордан руҳланиб

2024 йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида "Шухрат" медали билан тақдирландим. Давлатимиз раҳбари қўлидан медал олиш насиб этди. Бу ҳаётимдаги энг қувончли воқеа бўлди...

Президентимиз билан учрашган ондаги ҳаяжонимни тасвирлаб бериш жуда қийин. Менга мукофотни топширар экан, ОАВ орқали қишлоқимни эътироф этди. Бундай эътиборлардан ҳайратландим. Мукофот келгусида ўз устимда янада кўпроқ ишлаш, ахборот технологияларини бошқа соҳаларда қўллаш, кўпга шоғирлар чиқариш масъулиятини юкларди.

Кафедра профессори сифатида орзуларимдан бири олий таълимдаги тадқиқот ишларини амалиёт билан уйғунлаштириш эди. Ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда тадқиқот қилинса, ишимиз янада самарали бўлади. Биз тадқиқот ишимизнинг натижаси қандай бўлишини назарий жиҳатдан биламиз, лекин ишлаб чиқаришда, амалиётда қўллаб қўриш янада муҳим. Ҳозир кафедрамиз профессор-ўқитувчилари билан бирга ишлаб чиқариш корхоналарида ҳужжат шартномаларини амалга ошириб келаётганимиз катта ютуқ. Техноуз билан ҳамкорликни йўлга қўйяимиз, ҳамкорликда кафедра филиалини ташкил этишни мақсад қилдик, бунда иттифоқлар бўйича соҳа корхонаси эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлаш, кафедра ўқитувчиларининг амалий тадқиқотларини ўтказиш учун уларга ташкилотдаги кафедра филиалида моддий-техник шарт-шароитларини яратиб бериш йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, тўқимачилик санаети билан шуғулланувчи гилам ва газлама ишлаб чиқариш корхоналарида компьютер графикаси асосида мураккаб нақшларни автоматлаштирувчи дастурий мажмуани амалиётга қўллаш борасида келишувга эришилди. Тиббиёт соҳасида ҳам кўз касалликларини ташхисловчи автоматлаштирилган тизимнинг маълумотлар базасини тўлдирини, тестлаш жараёнида Республика ИХТисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали тиббиёт ходимлари амалий йўлқаб бериб келмоқда. Уйлайманки, яқин кўламада бу илмий натижаларимиз амалий тадқиқотни топиб, аҳоли соғлом турмуш тарзининг янада яхшиланиши, ишлаб чиқаришнинг жадаллашувига ҳисса қўшади.

Муҳокама учун мавзу

АСОСИЙ АЙБДОР КИМ?

Давлат тилига нисбатан эътиборсизлик ҳақида

Яқинда "Сўғдиёна" ва "Динамо" футбол жамоалари учрашувини самарқандлик бир мухлис билан ёна-ён ўтириб томоша қилдим. Танаффусда суҳбатимиз футболдан давлат тилига эътибор мавзусига кўчди.

— Узоқ йиллар давлат ишида ишладим, ҳозир нафақадаман, — дейди ўзини Акбар деб таништирган футбол иштироки. — Самарқанднинг "Динамо" футбол жамоаси ашаддий мухлисман. Ҳар бир учрашувини ўйингоҳда томоша қиламан. Имкон топиб, қўшни вилоятларда бўладиган ўйинларга ҳам бораман. Хабарингиз бўлса, мавсум бошидан "Динамо" ўйингоҳида таъмирлаш ишлари олиб борилади, уй учрашувларини Жиззахда ўтказди. Шу баҳона Жиззахга бир ойда икки-уч марта келаётган бўлдим. Жиззах шаҳри билан яқиндан танишдим. Тан олиш керак, Жиззах кундан кун обод бўлиб бормоқда. Узим мутахассис бўлганим учун, қаерга борсам, давлат тилига эътибор, шаҳардаги реклама, эълон ва ширлардаги эълонларга диққат қаратаман. Афсуски, бу борада Самарқандда ҳам аҳвол яхши эмас. Аммо Жиззахда давлат тилига нисбатан эътиборсизлик яққол кўзга ташланади. Қўллаб қўлданга эълонлар ажноби тилларда экан. Ушбу ўйингоҳнинг икки кириш тарафида катта қилиб "СОГДИАНА" деб ёзиб қўйилган. Наҳотки, шунини "Сўғдиёна ўйингоҳи" деб ёзиш

қийин бўлса. Бундан ташқари, шаҳардаги кўпга эълонларда католиклар бор. Журналист экансиз, шу ҳақда бир мақола ёзганим бўларкан. Зора, нафақат Жиззах, балки республикамиздаги ушбу ишга масъулларни сергалантириб, уларнинг давлат тилига нисбатан ҳурмат-эҳтиромини уйғотса.

Шу билан футбол мусобақасининг иккинчи бўлими бошланди. Акбар ака бор эътиборини футболга қаратди. "Динамо"нинг ютказётгани сабабли, амакиннинг кайфияти йўқлигини билди, мен ҳам жимгина футбол томоша қилдим... Ушбу суҳбат сабаб бўлиб бир кун Жиззах шаҳридаги асосий кўчадаги ташқи эълонлар кўздан кечирдим. Дарҳақиқат, шаҳардаги кўллаб эълонлар рус, инглиз ёки биз тушунайми деган бошқа тилларда экан. Аввалга уларни ҳам расмага тушириб, ҳам дафтаримга ёзиб бердим. Қарасам, ажноби тилларда эълонлар пешлашаркан, реклама ва ахборот матнлари, ташқи эълонларнинг кўпчилигини уларни расмага туширишдан эътиборан чарчаб қоламан. Эълонларнинг асосий қисми кирилл алифбосида, бир қисми лотинчада, қолгани инглиз тилида. Бу борада

жамоат транспортларида ҳам аҳвол яхши эмаслиги кўзга ташланди. Шаҳар ичида юрадиган кўпгина автобуслар олд ойнасига ҳам "чериз гор", "чериз стаён" деб ёзиб қўйилган. Тўғри, бу ишларнинг асосий айбодори тадбиркорларимиз. Аммо шаҳар бедарвоза эмаски, улар хоҳлаган нарсаларини ёзса. Агар мутасаддилар уларга тўғри тушунча берганда, ишончим комил, албатта, улар давлат тилига эҳтиром кўрсатиб, ўзбекча ёзарди. Муболага бўлмасин, бошқа тилларда ёзилган ташқи эълонларнинг соясига ўзбек тилидаги эълонлар ҳам учраб туради.

Бу ҳақиқатдан, давлат тилига нисбатан ҳурматсизлик, эътиборсизлик эмасми? Эҳтимол, эълонлар шу йўлдан ҳар кунни ўтайдиган вилоят ва шаҳар каттакошларининг эътиборидан четда қолгандир. Ахир уларнинг давлат тилига эътибор қаратишдан бошқа ишлари ҳам кўп. Аммо ушбу ишга масъулларнинг-чи? Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимликларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тилини тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилган. Уларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан кўчалардаги ташқи эълонларнинг давлат тили қондалари асосида бўлишини таъминлашдан иборат.



Бу борадаги фикр-мулоҳазасини билиш учун аввал Жиззах вилоят ҳокимининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси Баҳодир Мавлонов қабулига бордим. Вилоят ҳокимлигида унинг меҳнат таътилида эканини айтишди. Эътибор қаратган-у, вақти бўлмай таштиддан кейин бу хатоларнинг тузатишга аҳд қилгандир, деган умид билан у кишини безовта қилмадим.

Тўғриси, Жиззах шаҳрида ушбу вазифада ким ишлашини билмасдим. Шу сабаб интернетдан шаҳар сайтини изладим. Сайтининг номида ҳам "сити" деган инглизча сўз бор экан. Сайтта кириб, ҳафсалам яна пир бўлдим. Биринчидан, шаҳар ҳокимини икки ўринбосаридан ташқари, бошқа ўринбосарлар, ҳокимиятдаги бўлимлар, бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ҳақида

маълумот йўқ. Иккинчидан, сайтга жойлаштирилган хабар ва мақолалар хатоларга тўла. Мисол учун, жорий йил 27 июнь кунини эълон қилинган лотин ёзувидаги "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining sudlarga oid yangi qabul qilingan qanoat va farmonlari" номи хабарда давлатимиз номини (Ўзбекистон) деб хато ёзган. Бундан ташқари, ушбу мақолада яна кўпгаб имловий хатолар мавжуд.

28 июнда эълон қилинган "Қонун Устиворлигини Таъминлаш ва Суд ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар" номи мақоланинг биргина сарлавҳасида 6 та имловий хатога йўл қўйилган. Шунда бехиётёр хайёмни Умар Хайёмнинг ўша машҳур шеъри келди:

Мен ундан ўзимга дору изасам,
Непай, табииминше ўзи бемор.

Саводсизлик масаласи алоҳида мавзу. Касални яширсанг, иситмасан ошкор қилади, деганларидек, таълим тизимимиз катта ислохотларга муҳтожлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Эътироф этиш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақоини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" фармони асосида 21 октябр мамлакатимизда "Ўзбек тили байрами кунини" сифатида нишонланиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари шаҳсан ибрар бўлиб БМТ ва бошқа нуфузли халқаро минбарларда ўзбек тилида нутқ сўзлапти.

Аммо афсус билан қайт этиш керакки, кўпчилигимизда давлат тилига нисбатан эътиборсизлик сақланиб қоляпти. Бу мавзу, асосан, ўзбек тили байрами — 21 октябр ва унинг арафасида, у ҳам бўлса ҳисобот учун, номинативга ўтказилган тадбирларда сўзланади. Тилимиз мустаҳкамлиги учун жон куйишдан ҳам бизимизнинг муқаддас бурчимиз эмасми?

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва этнос вакиллари аҳилликда истиқомат қилади. Албатта, ҳар ким ўз она тилини яхши кўради. Аммо шунинг баробарида давлат тилини билиши, уни ҳурмат қилиши, "Давлат тили ҳақида" ги қонун талабларига риоя этиши шарт.


Шунинг учун аҳоли, айниқса, ёшлар ва тадбиркорлар орасида "Давлат тили ҳақида" ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида кенгроқ тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш керак.

Умид қиламиз, ушбу вилоят ва шаҳар ҳокимиятидаги масъуллар ҳам мақолада кўтарилган мавзуга жиддий ёндашади, камчиликларни тузатади. Агар ушбу ишларда уларга Мавнавиёт ва маърифат маркази, Эълонлар ва Журналистлар уюшмалари вилоят бўлимлари, зиёлилар ва фаол жамоатчилик вакиллари кўмаки бўлса, нур устига нур бўлади...


Фарҳод НЕЪМАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мулоҳаза

КИТОБ ЎҚИЯПМИЗ...МИ



Дунёда ифторлар кўп. Аммо ҳар бир инсоннинг ўзи ёқтирадиган иси бор. Кимдир гулнинг хуш бўйига шайдо бўлса, яна бошқа биров тандирдан янги узилган нонни яхши кўради. Мени эса айтсам, кимдир нокамтарликка йўяр, яна биров унчалик ишонмас, лекин негидир кутубхонадан таралаётган ис ўзига тортади. Ўзимни бир зум осойишталик ва жимжитлик оламига тушиб қолгандек ҳис қиламан. Хотиржамлик онгу шууримни қоплаб олади, еттинчи осмонга учгандек бўламан. Хаёлимда гўёки йиллар давомида жавонларда тахланган турган билим булоғи ичида қандайдир мўъжиза бордек. Қачонлардир кутилмаганда варақлари очилади-ю, бир сакраб ўша дунёга шўнғийман...



Топсақ, “Авалл ўзим ўқийман, кейинги навбат сеники”, дея баҳслашган ва ҳаттоки жанжаллашган пайтларимиз ҳам бўлган. Бу эртак ёки мақтанмиш эмас, айни ҳақиқат.

Ёдимда, кичкина опам худудимиздаги кутубхонага келган янги қисса ёки ҳикояни ҳаммадан олдин ўқиб чиқар, кейин шунақа чиройли гапириб берардики, охиригача эшитишга сабрим чидмай, қўлдан китобни тортиб олардим. Абитуриентлигимда эса кечқурун дарсликлардан миям чарчаб, қўлимга севилим ҳамоҳуралини олиб, ўқигиша тугина ва тугатгач, мириқиб дам олардим. Ҳатто бир гал раҳматли онажоним билиб қолиб, койган ва токи олийгоҳга киргунимча китоб ўқишни таққиллаган ҳам эди. Бунга ўхшаб эслайдиганларим жуда кўп.

2001 йилми ёки 2002, аниқ ёдимда эмас. Қашқадарё вилоятининг хотин-қизлар нашири — “Нафосат” газетасида устозим, журналист Комила Каримова ҳақида мақола чиқди. Муаллиф Сайёра Зоирова ўша лавҳада Комила опанинг турмушга чиқишидан олдин “Ота-онам бир эмас, икки келинга етарли сеп йиққан”, деган бўлажак куёвга, яъни турмуш ўртоғига “Тапингиз рўст бўлса, жаҳон адабиёти дурдоналарини ҳам қўштиринг; энг яхши сарпо — мен учун шу” мазмунда гапларни айтган, ўша китоблар чиндан сеплар билан бирга келинниқига юборилганини ёзганди. Шунда ёшларга хос қизиқишни, ҳайратланишни, тафсилотларни тортинибгина сўраганимда, устоз “Рўст, бу китоблар ҳалиям уйимизнинг ноёб бойлиги бўлиб, хонадонимизни безаб турибди”, деганди.

Энди билсам, ўша маҳаллар келажак ва ўтмишни уйғунлаштирувчи ушбу манбалар тилла тақинчоғу бугунги айфон ва смартфонлар, ноутбуклар, монобуклар ўрнини босган экан.

Бугун эса... Кўп мутулаа қилганлар жаҳон шоҳусуларидан юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, давлатимиз мадҳиясининг янгираши байроғининг ҳилпирашига сабабчи бўлган чемпионоларга тенглаштириляпти. Кўпчилик йиллар давомида орзу қилган машинани зумда қўлга киритишяпти. Бунинг учун Президентимизга ҳар қанча миннатдорлик билдирсак арзийди.

Бир жиҳатдан яхши. Аммо, афсуски, танганин иккинчи томони бўлганидек, айримлар учун китоб ўқиниш мақсад совга олишга айланаётгани ўта ачинарли ҳол. Нондек азиз жавоҳиротдан ва мутуладек юксак, шарафли машағулотдан ҳам манфаат йўлида фойдаланишни фожиа дейиш мумкин.

Дунёни фақат илм билан забт этиш мумкинлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Илмни чуқур эгаллашнинг йўли эса битта — китоб ўқиш. Минг афсуски, буни



англаб етмаяпмиз. Эътибор беринг, ёшлар тушунмапми, ўқимапми демайман. Чунки кўпчилик катта вақтларини ҳаётимизда, умуман, ўқимай қўйди. Энг ачинарлиси, буни ҳеч бир тортинмай тан ҳам оляпти.

Деярли ҳаммамиз шундай бўлиб қолдик. Уйда ҳам, йўлда ҳам, ишонамо меҳмонда ҳам, уй юмушларини бажараётганимизда ҳам ёнимизда телефон. Усин нафас оломай қолганмиз, худдики...

Тўғри, замон билан ҳамнафас яшаяпмиз. Лекин роботга айланиб қолмаяпми?! Фақат эҳтиётлар учунгина ҳаракатланаётгандек бўлиб қолмадикми? Ўйлаб кўринг, ҳатто телефонда сал кўпроқ гапириб юборган суҳбатдошимизга “Телеграммда ёзишайлик”, деб гапни қоқ ўртасидан узамиз... Ака-ука ёхуд яқинларингиздан бири юракдаги дардини сизга айтмоқчи, маслаҳат олмақчи бўлса, ўйлаб ҳам ўтирмай, “СМСда ёз”, дейсиз.

Эҳтимол, вақтни қизғанаётгандирмиз. Лекин инсон билан юзма-юз суҳбатлашиш, китоб ўқиш, қарама-қарши ўтиригача, бир пиёла чоқ баҳонасида олинган таассуротларни улаштининг завқи бўлакча-ку...

Мақсадимиз кимгадир ақл ўргатиш, панднасиҳат қилиш, ўзимизни билимдон кўрсатиш эмас. Асло, зеро, қандай яшаш ва нима қилишни ҳар бир инсоннинг ўзи билади. Аксарият одамларга ҳаётдан бўлак ҳеч ким муаллимлик қилолмайди. Шунчаки айтмоқчи бўлганимиз, ҳаммамизни тарбиялайдиган, яхшиликка ундайдиган, фикримизни тиниқлаштирадиган, зериктирмайдиган, борингича, вазибаларини айтиб тугатолмайдиган беиминат, садоқатли дўстимиз — КИТОБга бўлган “муносабатимиз” ва “ҳатти-ҳаракатимиз” ҳамда совуққонлигимиз билан умр йўлларимиздаги шамчиқорни ўзимиз ўчириб қўймаймизми? Эҳтимол, орамизда меҳроқибатнинг йўқолиши оилалар ўртасидаги ажримлар сонини кўпайтири, жиноятлар, қўнгил оғриштирилари ортишига, руҳшунослар сафининг кенгайишига, фақат зарурат бўлсагина бир-биримизни йўқлаётганимизга ҳам мутулаадан узоқлашганимиз сабабдир...

Ниятим, айнан мана шу тан олгимиз келмаган ҳақиқатни бир озгина эслатиб қўйиш, холос. Хулоса чиқариш эса ҳар галгидек ЎЗИНГИЗДАН!

Зебо ҚОСИМОВА, журналист

Зумрад ва Қиммат яшаган ўша қишлоққа бораман, сирли сандиқларни кўраман. Эҳтимол, Насриддин Афанди билан гаплашарман. Эртақларда ёзилгандек, ҳаммани сўзларига ишонтира оладиган кучи бормикан унинг?!

Хуллас, бу — болаликдаги ушалмайдиган, китобий тил билан айтганда, қўл етиб бўлмаган орзуларимдан эди. Эҳтимол, гапларимга интернет заррачалари билан улғаяётган бугунги авлод ишонмас... Бироқ сўзларим ҳақиқат. Чунки мен ва тендошларимнинг ўқувчиликдаги энг яхши совғамиз ҳозиргина тилга олганим — “Нон ва олтин”, “Зумрад ва Қиммат”, “Насриддин Афанди”, “Эртақларнинг олтин китоби”, “Эртақларнинг кумуш китоби”, “Сариқ девни миниб”, “Ширин қовунлар мамлакатини”, яна... Анвар Обиджоннинг “Олтин юракли автобола”си эди-да...

Ёдимда, ота-онам яқшанба кунни бозорга кетаётган, “Нима олиб келайлик?” деб сўради. Шунда 90 фоиз ҳолатда ҳаммамиз яхши кўрган асаримизни айтардик. Тўғри, барчасини муҳайё қилишари деб айтолмайман-у, аммо қайтшаётганида рўзгор учун зарур нарсалар билан бирга сумкада ҳаммамизга аталган китоблар ҳам бўларди. Имкон қадар мутулаа қилишимиз учун ёшимизга мос китоблар олиб беришардик. Номлари ҳалиям эсимда: “Олам тинглайди бизни”, “Мунгли кўзлар”, “Альвидо, болалик” ва ҳоказо...



Туман ва жой номини айтмай қўяқолай, навбатдаги манзилларимиздан бири маҳалла фуқаролар йиғини бўлди. Сўрвонма тўлдириб, ходимларнинг охири ўқиган китоби ҳақида савол берамиз. Майли, бошқаларни қўятуриг, келажак бунёдкорлари сардорининг берган жавобидан бир кўлимиз келди, бир йиғилгимиз...

— Охири ўқиган китобимми... Чўлпонни ўқияман, ҳозир ҳам давом эттиряпман — “Икки эшик ораси”ни.

Кўринишдан часами 25 ёшлардаги йигит “ҳозиржавоблик билан гапираман”, деб қовун туширганини билмай қолди.

— Чўлпоннинг?.. — ҳайрат билан тикиламан. — Ўтқир Хошимовнингдир, — хиёлатдан қўтқарган бўлади ёнимдаги ҳамроҳим. — Ҳа, шундай демокчийим ўзи, шошиб қолдим-да, узр, — гапини тутатган бўлади у.

— Чўлпонни ўқияман, дегандингизку, — дейман гапининг ростлигига ишонч ҳосил қилиш учун мулоимлик билан. — Қайси асарини мутулаа қиласиз? — Ҳалиги, анави... Мингбоши бўладику... Кейин у...

— Видефильмини кўргандирсиз, — дейман сўзини сўзига улолмай қийнаётган йигитни ортқ уялтиргим келмай.

— Йўқ, ўқияман, — дея тан олгиси келмайди у.

Ҳатто номини ҳам эслолмаган асарини ўқийман, деб бемалол айтаётган ёшлар етакчисининг ҳаракатларидан багттар таажубга тушаман.

Маҳалла раиси — опамиз эса бизни кўп қийнамади. Китоб ўқимаётганини тан олиб қўяқолди. Афсус...



Бундан икки-уч ойча аввал “Хабарлар” ахборот дастури учун “Энг фаол китобхон” танлови республика босқичи голиби билан учрашув лавҳаси матнини ёзаётган, қўнглимдан бир фикр ўтганди.

Ўқувчилигимиз, янаям аниқроғи, ҳатта саводимиз чиққан вақтида ота-онамиз ва устозларимиз “Китоб ўқинглар”, деб бизга кўп айтарди. Лекин қайта-қайта тайинлаб, мажбурлаганини, бунинг учун раббатланганини эслолмайман. Негаки бундай ҳолат бўлмаган-да, Чунки китоб ўқиш орқали бўш вақтларимизни қўнгили ўтказибгина қолмай, муаллиф яратган ҳақрамонлар билан яшар, уларга ўхшагимиз келар ва бунга интилардик. Идеалимизга айланарди ижобий тиссоллар. Ўқитувчимиз ёки тендошларимиз хали номини эшитмаган асарлардан парча келтирса, сувга ташна одамдек излардик.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАНЗАРАСИ



Кўзгу

Интернет саҳифалари, ижтимоий тармоқлар, турли ташкилот ва муассасаларнинг расмий сайти жуда фаоллашиб бораётгани кўзини ҳам, қўнгилини ҳам қувонтирмайди. Бу ҳаммага ўз фикрини, қарашларини, нуқтаи назарини айтиш учун жуда эркин майдон вазифасини ўтамоқда. Бироқ кейинги пайларда бу эркинлик моҳияти одам ўзи тушунган-тушунмаган мавзуларга бемалол бурун тутиши, ўринлими ёки ўринсиз истаган гапини, ҳатто ҳақоратомуз сўзларини ҳам ёзишдан иборат бўлиб қолди. Видеоларни айтмайсизми...

Бир сартарош ўшқириб, миқозинг сочи-ни буткул олиб ташлаган, бир жувон боласини калтаклаганини камерага тушириб, шу лавҳани хорижга кетган эрига юборган. Эри эса дарров уни ижтимоий тармоққа жойлаган. Бир-бирини тушуниш, муаммони ҳал этиш ўрнига оиланинг икки каттасининг қилган ишини, кўрсатган намунасини қаранг-а. Ёшларнинг муштлашаётгани, тўй-ҳашамда пачкалаб пуллари гоҳ томига чиқиб, гоҳ машина ойнасидан сочаётгани, кимлар уларни олқишлаётгани... Фақат шу пул сочаётганлар нимадан завқ олаётганини тушунолмай ҳайронмиз-да... Хуллас, зериккиш йўқ, ранг-баранг лавҳалар. Камига дори-дармон, кийим-кечак рекламалари. Эҳҳе, кўриб, ўқиб “дил яйрайди”, асаблар “дам олади”.

Бунда ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи ҳар бир кишининг савияси, саводи, маданияти, маънавий қиёфаси шундоқ кўри-ниб турадики, “ижодкор” лигидан ҳайратланмай иложи йўқ. Бу тоифадан руҳланиб, ўрнак олиб, бошқалар ҳам нималариндир суратга оляпти, ёзаяпти, чизаяпти.

Фан-техника, инновация тараққиёти туфайли бу майдон қўлингиз тагида турибди. Тахририятларга бориб юрмайсиз, қачон эълон қилишаркан, қораламаннинг савиясини қандай баҳолашаркан деб ҳам бош қотирмайсиз. Шартта икки оғиз фикр ёзсангиз, телефонда ниманидир тасвирга олиб жойласангиз, лоп этиб ижтимоий тармоқ ва сайтларда чиқиб турибди-да. Ёзган қорала-маларингиз, олган суратларингизни кўриб,



(Фельетон)

зўр, ақли гап айтгандек қувониб кетасиз. Аниқроғи, ўзингизни анча зўкко, ҳозиржавоб ҳис этасиз. “Қойиллатиб гап айтиб қўйдим, ҳамма ҳайрон қолса керак”, деган ўйингиздан жўшиб кетасиз.

Метро, автобусларда ўтириб кетаётган айрим ёшлар тик турган ёши катталар, аёллар кўзига тик қарашга “уялиб”, телефонда шуларни томоша қилганча ўзини ўзи банд қилиб кетади.

Ижтимоий тармоқлар, сайтлардан шу йўсинда фойдаланаётган ишчибозлар, “ижодкорлар”нинг қанчалар саводи ёзаётгани, қанақа фикр-мулоҳаза билдираётганига эътибор бермаётгани ҳам алоҳида мавзу. Масалан, “Хокимлар қайси қарияпти... Свет учиб қолса қайирга юориш керак... Блик овга келила” каби гапларнинг тўғри ёзилганини текширишга, ўринли ёки ўринсиз эканини мулоҳаза қилишга вақти ҳам, ҳат-саводи ҳам, умуман, савияси ҳам йўқлигини мардларча билдириб турибди. Қолаверса, кўпчилик бунга эътибор ҳам бераётгани йўқ, тўғрими? Энг муҳими, ҳалқнинг маънавияти, ақл-идроки инъикоси деб таърифланган она тилида ёзаяпти-ку.

Айрим телеканаллар титрида учраётган имловий хатолар (“Янги йилни нишоллаймиз”, “Ижоткор дўстлар” каби) билан ҳам булардан ўтиб кета олайди. Чунки уларда баъзан, ижтимоий тармоқларда эса мунтазам ва оммавий кўринишда акс этиб турибди.

Бу борада кўпчиликнинг ўзбек тилида шундай эркин, истаган кўринишда ёзаётганининг ўзини оқлайдиган муҳим сабабларидан бири — аҳоли китоб, босма нашрларни ўқимай, “қимматли вақти”ни тежаётганиди. Китоб ёки газета-журнал учун пул тежаб, бир неча соатлик дангилама тўй-ҳашам, тугилган кун, ҳеч бўлмаसा, улфатлар билан “ўта муҳим гаплар” айтиладиган гап-гаштак учун

сарфлаётгани тафаккуринг ўзгарганидан далолат беради. Қайси томонга эканининг аҳамияти йўқ.

Энг таъсирлиси, бугунги болалар, ёшлар телефонга бор меҳрини, вақтини ажратган. Улар айрим савиясизлар ёзаётган гап-сўзларни ўқийди, ўрганади, тақлид қилади. Турли видеолавҳаларни мириқиб кўради. Шу маънода, келажак авлодга саводсизлик учун кенг имкониятлар яратилаяпти. Ахир улар шундоқ ҳам мактабларда муаллимларнинг ҳатини кўрсатиши, тузатиши, танбехдан безиб кетган.

Ундан кўра, “Баха 01”, “Даврон саршикар”, “Нигина LY” каби бир-биридан сирли таҳаллуслар билан ижод қилаётган “устозлари”дан ўрганганлари яхши-да. Қолаверса, сиз ҳам болангиз (неварангизни) овутиб, таълим-тарбия беришдек галвадан қўтқараётгани учун телефони қўшқўллаб тутқазасиз. Ахир шу бир парча матоҳ ҳам тарбия, ҳам таълим беришга улгуради. Муҳими, буларнинг бари виждонингизни қийнаш тугул, асабингизга ҳам теғмайди. Ана шундай совуққонлик, бепарволик билан кузатишда давом этаверинг.

Лекин бир гапни айтиб қўйиш керак. Ижтимоий тармоқнинг яна бир ўзига хос жиҳати бор. Масалан, илгор иштирокчилар “лайк” — рағбат олишни биринчи галдаги мақсад деб билади. Сиз ҳам нималар ёзаётганингиздан, бошқалар қандай муносабат билдириганидан кўра, лайклар сонига кўпроқ қизиқинг. Шунда янада машғур бўласиз. Маънавият, маърифат, савод деганлари бир гап бўлар. Нима дедингиз?..

Рустам БОЙТЎРА, журналист



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҮР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.